

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ТАЪРИФЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Самиддин Ташназаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Аннотация: Ушбу мақолада халқаро стандартларга ўтиш шароитда замонавий бухгалтерия ҳисобига тавсиф берилган. Молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннарх бухгалтерия ҳисоби ва солиқ бухгалтерия ҳисобига таърифлар келтирилган.

Калитли сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннархи бухгалтерия ҳисоби, солиқ бухгалтерия ҳисоби.

IMPROVEMENT OF ACCOUNTING DEFINITIONS

Samiddin Tashnazarov - head of the "Accounting" department of the Samarkand Institute of Economics and Service, DSc, professor

Abstract: This article describes current issues of accounting in the context of transition to international standards, modern accounting. Financial accounting, managerial accounting, cost accounting and tax accounting are defined. Accounting activities and its description as a business language are given.

Key words: International standards of financial reporting, financial accounting, management accounting, cost accounting, tax accounting.

Республикамизда ва хорижий мамлакатларида чоп этилган адабиётларни тизимли тадқиқ қилиш натижалари олинган назарий асослар бўйича бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таъриф берамиз:

“Бухгалтерия ҳисоби деганда, қарорлар қабул қилиш мақсадида пулда ўлчаниладиган ахборотларни яхлит ва узлуксиз қайд қилиш, тан олиш, ўлчаш (баҳолаш), тўплаш, ёзиш, қайта ишлаш, тақдимот қилиш ҳамда шу асосда бизнес субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш, таннархни бошқариш ҳамда келгуси фаолиятга оид режаларни тузиш ва ахборотлар коммуникациясини амалга ошириш тизими тушунилади”.

Ҳисоб муаммоларини ҳал қилишда шу пайтгача маълум мунозараларга сабаб бўлган ва бўлиб келаётган масалалардан бири бухгалтерия ҳисоби тизимининг таркибий қисмларини белгилаш ва уларга тавсиф бериш бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тизими таркибий қисмларини белгилаш бўйича чет эл адабиётларида Бухгалтерия ҳисоби тизимини мустақил менежментлик

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бухгалтерия ҳисобига ажратиш билан чегараланадилар. Таннарх (кост) бухгалтерия ҳисоби эса иккаласи учун ҳам маълумот базаси бўлиб хизмат қилишини таъкидлашади.

Хорижий ва маҳаллий адабиётларни ҳамда корхоналар бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби иштирок этиши масалаларини ўрганиш асосида бошқарув бухгалтерия ҳисобига аниқлик киритишда унинг бошқарув мақсадларида пулда ўлчаниладиган ахборотларни қайд қилиш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш тизими бўлиши билан бирга бошқарувда бевосита иштирок этиши, бюджет (режа)лар тузиши ва **узвийлик асосида боғлиқликнинг (feedback)** вужудга келишидаги иштироқи ўз аксини топиши лозим деб ўйлаймиз. Ушбу назарий асосларни ҳисобга олиб бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисобини қуйидагича таърифлаймиз:

Бошқарув (менежментлик) бухгалтерия ҳисоби деганда, бухгалтерия ҳисоби бирликларида менежментнинг таркибий қисми бўлиб, менежерлар томонидан бизнес фаолияти менежментида фойдаланиладиган ишончли ва ҳаққоний бўлган, асосан пулда ўлчаниладиган ва ўз вақтида бериладиган ахборотларни қайд қилиш, баҳолаш (ўлчаш), классификациялаш, тўплаш, тақдим қилиш, бухгалтерия ахборотлари коммуникациясини ўрнатиш ва бухгалтерларнинг бошқарувда иштирок этиши, режалаштириш жараёнларини қамраб оладиган тизим тушунилади.

Молиявий бухгалтерия ҳисобини тавсифлашда эса унинг концептуал қоидалар асосида юритилиши, бухгалтерия ҳисобининг анъанавий хусусиятларини қамраб олиши, асосан молиявий ҳолат билан боғлиқ ахборотларни шакллантириш ва ушбу ахборотларнинг ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланганлиги ҳамда бу ахборотлар молиявий ҳисоботлар кўринишида узатилиши каби ўзига хос жиҳатларини мужассамлантириши керак. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олиб молиявий бухгалтерия ҳисобини қуйидагича таърифлаймиз:

Молиявий бухгалтерия ҳисоби деганда, бухгалтерия ҳисоби бирликларида унга оид қонун, молиявий ҳисобот тамойиллари ва стандартлари асосида пулда ўлчаниладиган хўжалик операциялари ёзувларини амалга ошириш, ўлчаш (баҳолаш) ва тўплаш орқали ушбу операцияларнинг субъектлар молиявий ҳолатига таъсирини аниқлаш, молиявий ҳисобот даври охирида молиявий ҳолатни акс эттириш ва ахборотларни молиявий ҳисобот кўринишида фойдаланувчиларга тақдим қилиш тизими тушунилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, таннарх бухгалтерия ҳисоби бошқарув бухгалтерия ҳисоби учун деталли ва молиявий бухгалтерия ҳисоби учун унинг ёндашишлари доирасида ахборот манбаи бўлиб хизмат қилар экан.

“Таннарх бухгалтерия ҳисоби деганда, режалаштириш, нархларни белгилаш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ва кенгайтириш, харажатларни оптималлаштириш, ходимлар меҳнатини

рағбатлантириш ва менежментнинг бошқа соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар таннархини тан олиш, таснифлаш, тақсимлаш ва баҳолаш асосида ҳақиқий таннархини аниқлаш ва таҳлил қилиш тизимга айтилади.”¹

Бухгалтерия ҳисоби тизимида Солиқлар бухгалтерия ҳисоби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳисоб тўлиқ Солиқ қонунчилиги, жумладан Солиқ Кодекси асосида юритиладиган ҳисоб ҳисобланади. Молиявий бухгалтерия ҳисоби бу умумқабул қилинган принциплар асосида юритиладиган ҳисоб. Ушбу ҳисобот тури даромад ва харажатларни тан олишда бухгалтерия ҳисоби стандартларига таянади. Лекин, солиқ қонунчилиги солиққа тортиладиган базани аниқлашда қонунчилик талабларидан келиб чиқади. Умуман олганда барча мамлакатларда солиқ қонунчилиги молиявий бухгалтерия ҳисобидаги кўрсаткичларга ўз талабларини кўяди. Шу нуқтаи назардан солиқ қонунчилиги талабларини инобатга оладиган Солиқлар бухгалтерия ҳисобини юритишга зарурият туғилади.

Солиқлар бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таърифни берамиз:

Солиқлар бухгалтерия ҳисоби деганда, бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ қонунчилиги талабларини тўлқонли бажариш, ўз вақтида тўловларини амалга ошириш мақсадида маълумотларни қайд қилиш, тан олиш, баҳолаш, солиқ ҳисоб-китобларини юритиш асосида солиққа тортиш базасини аниқлаш ҳамда солиқ ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш тизимига айтилади.

Солиқлар бухгалтерия ҳисоби активга эгалик қилиш, амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ёки хўжалик фаолиятининг бошқа далилини ҳуқуқий жиҳатдан, ҳужжатлар билан тасдиқланган далили мавжудлигини белгилаш мақсадида юритилади. Ушбу далил ва хатти-ҳаракатлар бухгалтерия ва тегишинча солиқлар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида ва регистрларида акс эттирилади.

МҲХСларига асосланган молиявий бухгалтерия ҳисоби эса профессионал фикр-мулоҳазаларни назарда тутди. “Профессионал фикр-мулоҳазалар деганда, муайян шароитда қарор қабул қилишга имкон яратувчи барча объектив омилларни касбий жиҳатдан баҳолаш (бухгалтер, компания раҳбарияти, техник-муҳандис ходимлар, баҳоловчилар, инвестиция департаменти ва бошқа томонидан) тушунилади. Масалан, профессионал баҳолаш узоқ муддатли активларнинг фойдали фойдаланиш муддатини ва кадрсизланиши аломатларини аниқлашда, гумонли дебиторлик қарзини, дисконтлаш ставкаларини, суд муҳокамасининг қандай тус олишини белгилашда зарур бўлади”².

¹ Ушбу таъриф тадқиқотчи Д.С.Ташназарова томондан берилган

² Гўзал Исломова.

https://buxgalter.uz/publish/doc/text166757_soliq_hisobi_qanday_standartlar_bazasida_yuritiladi

Хулоса қиладиган бўлсак, замонавий бухгалтерия ҳисоби самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш учун менежмент тизимини ахборот билан таъмин этиш, таннархни бошқариш, режалаштириш, молиявий ҳолатга баҳо беришни амалга оширишга қаратилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннархи бухгалтерия ҳисоби ва солиқ бухгалтерия ҳисоби каби таркибий қисмлардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон -2030” стратегияси. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. Management Accounting. Official terminology of the CIMA. The CIMA 63 Portland Place, London W1N 4AB, 2005. 157 p. 2-б.
3. <https://lex.uz/docs/2931253?ONDATE=31.12.2020%2000>
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.
<https://lex.uz/docs/4674902#4676944>
5. Гўзал Исломова. https://buxgalter.uz/publish/doc/text166757_soliq_hisobi_qanday_standartlar_bazasida_yuritiladi
6. Бухгалтерия аутсорсинги бизнес учун самарали ечим бўлиши мумкин
<https://www.gazeta.uz/uz/2023/08/04/buhexpert/>
7. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 2003, 496 с., 13-б.
8. <https://dzen.ru/b/ZK3Ly2IKmhWnpi1A?experiment=948512>